





КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

ЖАМИЯТ

№ 15 (698)
2020 йил
15 май,
Жума

Ижтимоий-сиёсат 2006 йил 31-августдан чоп этила бошлаган  www.bong.uz  jamiyatgzt@mail.ru



Халқини қўлаганни Ҳақ ҳам қўлайди

**Ҳалол ва ҳаромни
фарқлаш — зарурат**

**Үйда қолсанг,
вирусни ўлдирсан,
кўчага чиқсанг...**

**“Жамият —
ислоҳотлар
ташаббускори”**

**Ёшлар парламенти:
мақсад, оламага
қўйилган
вазифалар**

**Мозий ва келажак
боғловчиси**

**“Сизга ҳавас
қилман,
дадажон!”**



**ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИНГ!**

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси “Гендер экспертизасига қўйиладиган асосий талаблар” мавзусида онлайн семинар ташкил этди.

Ёшлар парламенти: мақсад, олдига қўйилаётган вазифалар

Ёшларнинг қонун ижодкорлиги жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада юксалтириш, сиёсий билим ва кўникмаларини амалда бойитиш, қабул қилинаётган қонунларни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш орқали уларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини ошириш бугуннинг долзарб масалаларидан. Шу мақсадда Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентини ташкил этиш кўзда тутилаётгани жамиятда салоҳиятли йигит-қизлар сафини кенгайтириб, уларни сиёсий фаол қатламга айлантиришда муҳим ўрин тутди.

Айни пайтда ушбу ташаббус кенг жамоатчилик вакиллари, айниқса, ёшлар томонидан қизгин қўллаб-қувватланмоқда. Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича

комиссияси раиси Абдулло Асланов фикрлари билан қизиқдик.

— Ёшлар парламенти олдига қандай вазифалар қўйилмоқда?

— Мамлакат тараққиёти ёшлар фаолиятига, уларнинг саъй-ҳаракатларига бевосита боғлиқ. Шу боис Ёшлар парламентини ташкил этиш жараёнида бир қатор устувор вазифаларга асосий эътибор қаратилмоқда. Чунончи, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммоларини ёшлар иштирокида муҳокама қилиш ҳамда уларни бар-тараф этишга оид таклифлар ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилди.

Аёнки, қонунчилик техникаси, қонун лойиҳаларини юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш қоидалари, ҳуқуқ ижодкорлиги — мураккаб жараён. Ушбу масалалар бўйича айнан йигит-қизлар иштирокида амалий муҳокамалар ўтказилиши белгиланаётгани уларнинг парламент фаолияти ва қонун ижодкорлигининг барча босқичларидан хабардорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

Бундан ташқари, ёшларнинг сиёсий билимларини юксалтириш, уларда ватанпарварлик руҳини кучайтиришда вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилиш, қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини яхшилаш юзасидан янги ва устувор йўналишларни белгилашда навқирон авлод вакиллари фаолигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одам савдоси ва ноқонуний меҳнат миграциясига қарши курашишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга қўмақлашиш ҳам Ёшлар парламенти олдига қўйилаётган вазифалар сирасига кирди.

— Ёшлар парламентини ташкил этишда хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил этилдики? Шу бўйича ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари инстиутини томонидан халқаро тажриба ўрганилиши ва таҳлил қилинди.

Таҳлиллар давомида ушбу масала бўйича икки хил ёндашув мавжудлиги аён бўлди. Масалан, ёшлар парламенти Португалия, Греция, Грузия,

Латвия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Арманистон каби давлатларда давлат органи (вазирлик ёки парламент) ҳузурида, Буюк Британия, Қирғизистон, Козогистонда эса нодавлат нотижорат ташкилоти ҳузурида ташкил этилади.

Ёшлар парламентининг аъзолари ҳусусида тўхталиб ўтилган бўлсак, ўрганишлар шунини кўрсатмоқдаки, баъзи давлатларда, хусусан, Россия Федерацияси, Арманистонда парламентда ўз фракциясига эга сиёсий партияларнинг “ёшлар қаноти”, Беларусь Республикаси, Грузияда маҳаллий кенгашлар ҳузуридаги ёшлар парламенти вакиллари, шунингдек, Қирғизистонда асосий фаолияти ёшлар масалалари бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлардан вакиллар ушбу тузилма аъзолари саналади.

Латвияда 15 ёшдан 20 ёшгача, Грузия ва Грецияда 16 ёшдан 20 ёшгача, Беларусь Республикасида 18 ёшдан 25 ёшгача, Россия Федерациясида 18 ёшдан 30 ёшгача, Қирғизистонда 18 ёшдан 35 ёшгача этиб белгиланган.

— Ўзбекистонда Ёшлар парламенти кимлар аъзо бўлиши мумкин?

— Бугунги кунда ушбу ҳужжат лойиҳасига кўра, Ёшлар парламентига ўн сақкиз ёшга тўлган, лекин ўттиз ёшдан катта бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси аъзо бўлиши

мумкин. Улар онлайн ёки ёзма ариза бериш орқали ўз хоҳишларини билдиришлари мумкин. Ушбу ҳужжат тасдиқлангандан сўнг, бу ҳақда батафсил тушунтириш берамиз.

— Ушбу парламентни тuzишда ёшларнинг фикри, таклифлари инобатта олинмаптими?

— Албатта. Аслида мазкур парламентни ташкил этиш ёшларнинг ташаббуси. Жорий йил март ойида волонтер ёшлар томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши биносида парламент аъзолари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раҳбарияти ҳамда ишчи гуруҳининг бошқа аъзоларига Ёшлар парламенти фаолияти қанақа бўлиши керлиги ҳақида тақдирот ташкил этилган. Туртинсини айтиш керак, ҳозирги ҳужжат лойиҳамизнинг асосий қисми ҳам ана шу тақдиротдан олинган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда бир неча маротаба муҳокамалар ўтказилди ва айни пайтда мунозаралар давом этмоқда. Таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди. Ҳали ҳам таклифлар бўлса қабул қилишга тайёрмиз.

— Қачон биринчи Ёшлар парламенти аъзоларини амалиётда қўришимиз мумкин?

— Муҳокамалар натижаси билан ҳужжат лойиҳаси яқин кунларда тасдиқланади. Шу асосда жорий йил июнь ойида Ёшлар парламенти аъзоллигига қабул қилиш жараёни бошлаб юборилади. Албатта, буларнинг барчаси ёшларнинг парламент ҳаётига дахлдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда давлатимиз раҳбари “Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унга кўра, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, куриш ва эксплуатацияси институти ҳамда Тошкент давлат техника университетининг авиакосмик технологиялари факультети негизида Тошкент давлат транспорт университети ташкил этилиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда транспорт соҳасида халқаро стандартларга мувофиқ сифатли кадрлар тайёрлашда тизимли бир қатор камчиликлар мавжуд. Транспортнинг барча турларини мутаносиб ривожлантириш талабларига мос равишда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини ташкил этишда ягона сиё-

Замонавий мутахассисларга эҳтиёж катта

сат мавжуд эмас. Кадрларнинг жаҳон андозалари асосида темир йўл ва автомобиль йўлларини куриш, транспорт-логистика ва сервис технологияларини ўлаштиришлари учун профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти, моддий-техника, ўқув-лаборатория ва ўқув-услубий базаси талаб даражасида шакллантирилмаган. Темир йўл ва автомобиль йўлларини куриш, уларда қўлланиладиган технологик жиҳозлар, замонавий қурилиш материаллари, пуллик автомагистраллар, интеллектуал транспорт тизимлари бўйича кадрларни тайёрлаш учун мутахассислар, зарур адабиётлар, ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳамда тажриба-синов майдончалари мавжуд эмаслиги боис илмий фаолиятнинг замонавийлик ва натижадорлик даражаси пастлигича қолмоқда.

Ташкил этилаётган Университет юқорида келтириб ўтилган муаммоларни ечим билан бир қаторда транспорт соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатидаги фаолиятининг

устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб беради.

Илғор хориж тажрибасини қўллаш мақсадида Университетни стратегик ривожлантириш масалалари бўйича ректорнинг биринчи ўринбосари лавозими жорий этиш ҳамда мазкур лавозимга хорижий мутахассис тайинланиши режалаштирилмоқда. Бу, ўз навбатида, қисқа вақт оралиғида Университет рейтингининг ошиши ва халқаро стандартлар асосида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишини белгилаб беради.

Университетда мавжуд факультетлар сони 7 тадан 6 тага қисқартирилади ҳамда 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, халқаро стандартлар асосида жорий 48 та бакалаврият таълим йўналишлари ўрнига 18 та янги йўналишларда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Мос равишда уларнинг негизида магистратура мутахассисликлари очилади.

Шунингдек, Университет-

нинг истиқболдаги ривожланишини йўлга қўйиш мақсадида Германия, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа ривожланган мамлакатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Тармоқли жалвал асосида барча профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимларнинг хорижда малакасини ошириш таъминланади. Университет замонавий ўқув ва илмий лаборатория базаси жиҳозлар билан тўлдирилади. Муҳими шундаки, назарий машғулотлар ҳажми камайтирилади, амалий машғулотларнинг ҳажми эса оширилади ҳамда соҳа объектиларида олиб борилади. 2020-2022 йилларда барча талаб этиладиган шарт-шароитларга эга Универ-

ситетнинг қўшимча замонавий кампуси барпо этилиши режалаштирилган. Шунингдек, 6 та замонавий илмий-тадқиқот лабораториялари ишга туширилиб, транспорт соҳасининг реал муаммоларини ечимига қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмалар амалга оширилади.

Ушбу қарор кенг жамоатчилик, соҳа жонқуярлари томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Янги ташкил этилаётган Университет олиб бориладиган тадқиқотларни ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви, илмий ва инновацион ишланмалар натижадорлигини ошиши, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этилишига олиб келади.

Муҳаммад ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлиги” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Республика ҳудудлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг муайян турини етиштиришга ихтисослаштирилади.

“Жамият – ислохотлар ташаббускори”

ёхуд янги тараққиётнинг янгича тамал тоши бўлган ҳужжат

Ҳар қандай мамлакат тараққиётининг юксалишида шу давлат раҳбари қаторида барча дахлдор ташкилотлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқаришга ва уни ҳаётга татбиқ этишга ҳисса қўшиб боради. Вақт ўтиши билан уларга ўзгартириш, қўшимча киритиш ва янгиларини ишлаб чиқишга бўлган талаб ошириб бориши эвазига бундай ҳужжатлар такомиллашиб бораверади. Бунинг замирида, албатта, одамларнинг манфаатлари акс этади. Чунки қай соҳани танламанг, қайси йўналишда фаолият юритманг, унинг ўзига яраша меъёрий талаблари, ҳуқуқий чегаралари мавжуд. Ва, албатта, вақти келиб, уларнинг айримларини ўзгартириш, баъзиларидан воз кечиш, бошқаларини эса бирлаштириб юбориш барча давлатларда ва барча жамиятларда кузатишган, кузатилади ҳам.

Шундай ҳужжатлар бўладики, унда фақат битта йўналишга қаратилган меъёрий акс этади. Яқинда Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон эса, назаримизда, бошқаларидан бошқачароқ. Бундай дейишимнинг сабабини ўзини шу Ватанга дахлдор ҳисоблаган ҳар бир фуқаро фармон билан танишгач тушуниб этади. Чунки бу фармон мамлакат тараққиётига ҳисса қўшадиган деярли ҳар бир ташкилотни қамраб олган. Деярли ҳар бир ташкилотга қудайлик яратилади. Нафақат қудайлик яратилади, балки ўз номидан келиб чиқиб, назоратга ҳам олади.

Давлатимиз раҳбарининг “Жамият – ислохотлар ташаббускори” деган янги ғоясини рўёбга чиқариш, аҳолининг жамоат ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки қўламини кенгайтириш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, фуқаролар, жамият ва давлатнинг ўзаро яқин ҳамкорлигини ўрнатиш, давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш каби мақсадларни ўзида мужассам этган мазкур ҳужжат тараққиётга ҳам улкан ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

Ушбу Жамоатчилик палатасининг бир вақтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жамоатчилик палаталари, бир сўз билан айтганда, ҳудудий жамоатчилик палаталарининг ташкил этилиши юртимизнинг барча ҳудудини қамраб олишидан ва тезкор ҳамда самарали фаолият юритишидан дарак.

Давлат, фуқаролар, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи, энг муҳими, замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотини йўлга қўйиш, уларнинг ижтимоий манфаатлари келишилишини таъминлаш Жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўна-

лишларидан.

Аҳоли фикрини тизимли ўрганиб бориш, жойларда ва соҳаларда аҳолини, фуқаролик жамияти институтларини ҳамда жамоатчиликни ташвишлантираётган долзарб масалаларни муҳокама қилиш тан олиб айтиш керакки, мақтанарли даражада эмас. Жамоатчилик палатаси ана шу масалаларни кутилган даражага олиб чиқиш, шунингдек, уларнинг ечимини буйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Маж-

“Жамоатчилик палатаси ташкил этилгани ва унинг ваколатлари бошқа орган ҳамда жамоатчилик тузилмаларини вазифалари билан такрорланишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш буйича маслаҳат кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Маркази фаолияти тугатиладиган бўлди. Демакки, умумлашган яхлит тизим ташкил этилди.”

лис палаталарига ва Ҳукуматга тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш буйича таклифлар киритиб боради. Фармон асосида янги ташкил этилаётган Жамоатчилик палатасига шу каби ўнлаб масъулиятли вазифалар юклатилмоқдаки, адоғига етказиб бажарилганда бу ишлар нафақат иқтисодиётнинг, балки фуқароларнинг ҳам юксалишига катта ҳисса қўшади.

Қонун ижодкорлиги сифатини тубдан яхшилашга, жумладан, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ва жамоатчилида алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта долзарб масалаларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш, уларни жамоатчилик билан маслаҳатлашув ва эшитувлари асосида такомиллаштиришга қўмаклашиш ҳам ана шу асосий вазифалардан саналади.

Фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерларни ОАВда сўз эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш ҳуқуқини

амалга ошириш, ахборот эркинлиги кафолатларини таъминлаш буйича муҳокамаларга жалб этиш бугунги кунда бир қадар ривожланган бўлса-да, барибир етарлича камчиликлар мавжуд. Мазкур масалаларга оид амалий таклифлар ишлаб чиқиш ҳам фармонда ўз аксини топди.

Жамоатчилик назорати ҳақида кўп гапирамиз. Бу борада қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари ҳам ишлаб чиқилган. Айни ҳуусудаги ишларни янада жадаллаштириш, унинг самарали тизимини шакллантириш, “жамоатчилик эшитиш”, “жамоатчилик экспертизаси”, “жамоатчилик мониторинги” каби таъсирчан замонавий назорат шакллари амалда жорий этиш ҳам фармонда кўзда тутилган асосий йўналишлардан. Бунинг замирида ислохотлар ва давлат дастурларининг жойларда, шунингдек, соҳаларда амалга оширилиши устидан жамоатчилик мониторингини ташкил этилади. Уларни сифатли бажариш учун ўлчимча чоралар қўриш буйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади. Эришилган натижалар, ижобий ўзгаришлар, мавжуд муаммолар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари ва Ҳукуматга мунтазам ахборотларни киритиб боради. Бу назорат шунчаки қўл учиде эмас қаттиқ талаб ва мустаҳкам тизим асосида олиб борилади, деганидир.

Белгиланган муҳим йўналишлардан яна бири “халқ дипломатияси” институтини ривожлантириш, жумладан, мамлакат ташқи сийосатининг устувор вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг нуфузли халқаро рейтингларда эътиборли ўрнини яхшилашда фуқаролик жамияти институтларининг имкониятларидан кенг фойдаланиш ҳамда хориждаги ватандошлар билан яқиндан алоқалар ўрнатиш, нодавлат нотижорат ташкилотларига халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ёрдам кўрсатишдан иборат.

Мазкур Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади. Жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 50 нафар аъзодан иборат бўлиши белгиланмоқда. Уларнинг 18 нафари бевосита Ўзбекистон Республикаси

Президенти томонидан тайинланади. Яна 18 нафар аъзоси республика миқёсида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари (Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл нодавлат нотижорат ташкилотлари ва филиаллари бундан мустасно), оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчилик вакиллари тақдим этган номзодлар орасидан танлов асосида Жамоатчилик палатаси қарорига асосан аъзо этиб қабул қилинади. 14 нафар аъзо ҳудудий жамоатчилик палаталари вакиллари, лавозими раислари ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳудудий жамоатчилик палатаси жамоатчилик асосида ишлайдиган 21 нафар аъзодан иборат бўлиши белгиланмоқда. Шуну ҳам айтиб ўтиш жоизки, Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзоларининг ваколат муддати Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталарининг биринчи умумий йиғилишлари ўтказилган кундан бошлаб, 3 йил этиб белгиланади.

Жамоатчилик палатаси ташкил этилгани ва унинг ваколатлари бошқа орган ҳамда жамоатчилик тузилмалари вазифалари билан такрорланишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш буйича маслаҳат кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ривожлантириш Маркази фаолияти тугатиладиган бўлди. Демакки, умумлашган яхлит тизим ташкил этилди.

Аппарат шат бирликлари ва моддий-техника базаси тугатилаётган Марказ ҳисобидан шакллантириладиган бўлди. Ҳудудий бўлинмалар шат бирликлари ҳам тугатилаётган Марказнинг ҳудудий бўлимлари шат бирликлари ҳисобидан шакллантирилади. Таъкидланиши жоиз бўлган масалалардан яна бири Жамоатчилик палатаси раиси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари раислари жамоатчилик асосида фаолият юритади.

Фармонда қайд этилганидек, Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари аъзолари ҳар бир давлат органининг очiq ҳайъат мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мажлисларида, “Ҳукумат соати”да, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашлари мажлисларида иштирок этиш ваколатига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш ҳамда тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифлар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим ва долзарб масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳам эндиликда Жамоатчилик палатасига қўриб чиқиш учун юборилади.

Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари давлат органлари ва ташкилотларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси ҳамда уларнинг ваколатларига қирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан Жамоатчилик палатаси сўровини юбориш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан буён давлат ҳокимияти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини нодавлат нотижорат ташкилотларининг мустақиллиги ва улар фаолиятига аралашмаслик принципларига қатъий риоя қилган ҳолда Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади. Шунингдек, давлат органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари Жамоатчилик палатаси ва ҳудудий жамоатчилик палаталари ишининг ташкил этилиши ҳамда амалга оширилишида зарур шарт-шароитлар яратди ва ҳар томонлама қўмаклашади.

Давлатимиз раҳбарининг фармони асосида Жамоатчилик палатасига манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда уч ой муддатда кенг жамоатчилик фикрини ва илгор тажрибани ҳисобга олган ҳолда, шу билан бир қаторда юқорида айтиб ўтилган масалаларни назарда тутувчи “Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатаси тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси юклатилди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” мухбири



Навоийда йилига 30 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона ишга тушади.

Аҳолини рўйхатга олиш — ишончли ахборот манбаи

Аҳолини рўйхатга олиш — бу мамлакат аҳолисининг муайян вақтдаги “фотосурати”ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг қўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, мазкур тадбирни ўтказиш белгиланган. Фармон асосида 2019 йил 21 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ҳамда 2020 йил 28 февраль куни Сенат томонидан маъқулланди. Жорий йилнинг 16 мартда эса ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланди.

Тарихга назар

Маълумотларга кўра, қадимги Греция, Вавилон, Месопотамия, Рим, Хитой, Япония ва Миср каби мамлакатларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказилган. Шу даврда солиқ йиғиш, яъни бож олиш ҳамда ҳарбий мақсад учун асосан эркаклар сонини аниқлаш муҳим бўлган ва асосан улар рўйхатга олинган. Аҳолини ilk бор расмий рўйхатга олиш 1790 йил АҚШда, кейинчалик 1800 йил Швеция ва Финляндияда, 1801 йил Англия, Дания, Норвегия ва Францияда ўтказилган. Аммо рўйхатга олиш жуда оддий шаклда бўлиб, узоқ мuddатга чўзилган. Иккинчи жаҳон урушидан кейин аҳолини рўйхатга олиш тизими янада такомиллаштирилди. 1945-1954 йилларда 151 та давлатда, 1965-1974 йилларда 179 та давлатда аҳолини рўйхатга олиш тадбири ўтказилган.

XIX асрга келиб, бу йўналиш кенгайди. Аҳолини рўйхатга олиш — фуқаролар ҳақида ахборот тўплашнинг кенг қўламли ва кўп мақсадли тадбирига айланди. Ушбу мавзу доирасида Европанинг қатор мамлакатларида статистика ташкилотлари тузилди. Аҳолини рўйхатга олиш илмий дастурлар асосида олиб борилиши йўлга қўйилди. Хусусан, 1870-1879 йиллар дунёнинг 48 та, 1890 йил эса 57 та давлатда аҳоли рўйхати ўтказилган. XIX аср охирида дунё аҳолисининг 21 фоизи рўйхатга олинган бўлса, XX аср бошида 54 фоиз аҳоли рўйхатдан ўтган.

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудида дастлаб аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1897 йилда ўтказилган бўлиб, ушбу маълумотлар XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар, аҳоли сони, аҳолининг ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим ҳолати каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган.

Кейинчалик Ўзбекистон ҳудудида 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари ташкил этилган. Аҳолининг ривожланиши унинг таркибий тузилиши, хусусиятлари ва демографик жараёнларнинг узлуksиз равишда ўзгариб бориши таъсирида содир бўлиб боради. Шу сабабдан аҳолини тадқиқ этиш ҳамда доимий равишда кузатиб

бориш талаб этилади.

Бу нима учун керак?

Аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари “ижтимоий ҳимоя”, “инвестиция”, “уй-жой”, “соғлиқни сақлаш”, “маданият”, “туризм”, “таълим”, “йўл қурилиши ва инфратузилма” каби манзилли дастурларнинг тайёрилиши ва амалга оширилишида хизмат қилади. Келгусида аҳолини рўйхатга олиш натижаларига асосланиб, ушбу дастурларни амалга ошириш натижаларини баҳолаш, иқтисодий прогнозлаш ва демографик сиёсатни шакллантириш мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тавсияси бўлиб, ҳозирги кунгача дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу жараён ўтказилди. Мазкур тадбир бутун дунё аҳолисининг умумий, кенг қўламли қиёфаси яратилишига хизмат қилади.

Нилуфар МУРОДОВА,
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси ахборот хизмати ходими,
Хуришда ИКРОМОВА,
Миробод тумани статистика бўлими бош мутахассиси

Боқимандаликка барҳам берилди

Самарқанд туманидаги «Дехнав» маҳалласида 628 хонадон мавжуд, улардаги 931 оилда 3100 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 2015 йилда маҳаллада 48 та кам таъминланган оила мавжуд эди. Ўтган давр мобайнида уларнинг яшаш тарзини яхшилаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳудудда табиий газ босими пастлиги эътиборга олиниб, эҳтиёжи бўлган хонадонлар газ балонлари билан таъминланди. Ҳар бир хонадонда томорқадан самарали фойдаланиш йўллари изланди. Уларга куз-қишда тўқсонбости экинлари экиш ташкиллаштириб берилди.

2017 йилдан бошлаб иссиқхоналар барпо этишга ўтилди. Бунинг учун маҳалла бошчилигида банкдан кредит олиш йўлга қўйилди. Мутахассислар доимий равишда маҳалла аҳолига иссиқхона афзалликларини тушунтириб боришди. Банклардан имтиёзли кредит олувчилар кўпайди. Шу йилнинг ўзига 47 хонадонга банкнинг имтиёзли кредитлари ажратилди. Кейинги йилларда бундай имтиёзли кредитлар эвазига иссиқхона қурувчилар сони кескин ошди.

Шу йўл билан маҳалланинг кам таъминланганлик даражаси пасайиб борди. Айни пайтда бундай оилалар сони бор-йўғи биттани ташкил этади. Маҳалла бошқаруви бу йил бутун эътиборини ана шу оиллага қаратди. Мақсад ҳалол меҳнат орқали бу оилани ҳам фаравон оилалар қаторига олиб чиқиш эди. Шу ниятда бу оиллага ҳомийлар томонидан 2

сотихли иссиқхона куриб берилди.

Эътиборлиси, маҳалладаги иссиқхоналарда бир йил давомида 4-5 мартаба ҳосил олинганлидир.

— Биринчи экин йил бошида — январда экилади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шодмон Шамсиев. — Бу даврда бизнинг шароитда кашанич ва редиска яхши даромад беради. Редиска ҳосили 40 кунда териб олинади. Яна 10 кундан кейин кашанич, ёки шивит йиғиштириб олинади. 25 февралдан кейин иккинчи экин — бодринг ёки помидор кўчати экилади. Бодринг 40 кунда ҳосилга қиради. Помидорнинг этилиши учун 80-90 кун керак бўлади. Маҳаллада 15 апрелдан бошлаб, ҳар кун 10 тонна бодринг ва 3 тонна помидор етиштирилади. Август ойининг охирида бодринг ва помидорнинг ўрнига шивит экилади. У айни керакли пайт, одамлар қишқи захира учун помидор, бодринг тузламаларини гамлаш даврига келиб, тайёр бўлади. Тўртинчи экин сифатида октябрь ойи бошида редиска экилади. Бу экин ноябрь ойининг бошида сотува чиқарилади. Ноябрь ойининг ўртасида экилган кўкатлар эса янги йил арафасида тайёр бўлади.

Бугунги кунда маҳалладаги 2-5 сотихли иссиқхоналар сони 230 талдан ошган. Ушбу иссиқхоналарнинг ҳар бир сотихдан йилга 5-6 миллион сўм даромад олиш имконини мавжуд. Шу сабабли маҳаллада кам таъминланган фуқаролар қисқа вақтда кескин қаммайди. Икки йилдан буён маҳалла ҳудудида нафақа ва моддий ёрдамга муҳтож оиланинг ўзи қолмади.

Бу, албатта, маҳаллада боқимандалик руҳида яшаб келётган фуқаролар мавжуд эмаслигидан, аксинча, ишбилармонлар сафи кенгайиб борётганидан далолат беради.

Абдурауф САТТОРОВ

18 май — Халқаро музейлар кун

Мозий ва келажак боғловчиси

ҚАЕРНИКИ ЎТМИШИ, БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ СЕНИ ҚИЗИҚТИРСА, ЎША ЕРНИНГ ЎТМИШИ ВА БУГУНИНИ БОҒЛОВЧИ ЖОНЛИ КЎПРИГИ БЎЛМИШ МУЗЕЙЛАРИНИ ЎРҒАН.

Ҳар бир давлат тараққиёт сари одимлар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ҳамда қадимий ёдгорликларини ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Бу борада эса музейларнинг ўрни беқиёс.

Музейларда сақланаётган ноёб экспонатлар орқали фуқароларда, айниқса, ёш авлодда миллий ва умуминсоний қадриятлар, бебаҳо тарихий ва маданий меросга ҳурмат, гурур ва ифтихор, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тарбиялаш ва кучайтириш биринчи ўриндаги масала.

Хабарингиз бор, 1977 йилда Халқаро музейлар кенгашининг Бош конференцияси қарори билан, “18 май — Халқаро музейлар кун” дея эълон қилинган. Ушбу санани мамлакатимизда фаолият юритаётган барча музейлар ҳам нишонлаб келишади.

Музейлар ўтмишдан мерос бўлиб келган маданий-маърифий ва табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб, у ерда амалдаги тартибларга мувофиқ экспонатлар сақланади ва намойиш қилинади. Маълумотларга

кўра, бугунги кунда мамлакатимизда тўрт юздан ортиқ музей фаолият юритади, уларда сақланаётган ноёб ва нодир экспонатлар, қадимги битиклар ва тошёзувлар, осори атиқалар, илм-фаннинг барча жабҳасини ўзига акс эттирган дурдона асарлар ўтмиш ва бугун ўртасидаги жонли кўприк вазифасини ўтамоқда. Таъкидлаш жоизки, музейларда намойишга қўйилган ҳар бир экспонат инсонни руҳий баркамоллик сари етаклайди.

Ангрен шаҳар Ўлкашунослик музейи сифатида фаолият олиб борган музей маҳаллий ва хорижий сайёҳларга Оҳангарон воҳасининг такрорланмас табиати, ўсимлик дунёси, табиий бойликлари ва қадим ўтмиши ҳақида сўзлаган. Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустақкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарор ҳамда Ангрен шаҳар ҳокимининг қарори асосида Ўлкашунослик музейи Ангрен шаҳар тарихи музейи

деб қайта номланди.

Музей фондида бугунги кунда ўттиз икки мингдан ортиқ экспонат мавжуд. Тарихнинг турли давр ва босқичларини ўзига акс эттирган ушбу ёдгорликлар саҳий ва танти халқимиз томонидан топирилган. Улар археология, рассомчилик, графика, ҳайкалтарошлик, амалий санъат асарлари, нумизматика, этнография, фотосуратлар, ҳужжатлар ва бошқа турдаги моддий ҳамда маданий, тарихий аслиятни ўзига мужассам этган қадимиятдан иборат. Музейда ўттиз нафарга яқин ишчи ва ходимлар меҳнат қилади. Ҳар йили ўртача йигирма мингдан ортиқ хорижий ва маҳаллий ташриф буюрувчилар бор.

Музейимиз бу йил ўзининг 60 йиллик юбилей санасини нишонлаш арафасида. Тўйга тўёна сифатида шаҳримизнинг турли ҳудудларидан турли хил ва шаклдаги қадимий ва ноёб ёдгорликларнинг чиқиши, халқимиз томонидан музейларга тақдим этилиши қувонарли. Зеро, улар ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, хорижий сайёҳларнинг беназир номоддий мерос эгаси эканимизни ҳис қилишида муҳим аҳамият касб этади.

Муқаддам БЕГМУРАДОВА,
Ангрен шаҳар тарихи музейи директори

Чорвачилик тармоғига субсидия ажратиш тартиби белгиланди.



Ҳар нарсанинг меъёри, ўлчами бор

Бугунги кунда радиация ва ядро хавфсизлиги долзарб масалалардан бири бўлгани туфайли бу соҳада ишончли ва аниқ ўлчаларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Радиация ва ядро хавфсизлик таъминоти нафақат инсонларнинг, балки атроф-муҳитнинг ҳам ҳимоясини таъминлаш учун хизмат қилади ҳамда ионловчи нурланишлар қўлланадиган барча фаолият турларини, шу жумладан, тиббиёт ва sanoatда радиация асосида амалга ошириладиган жараёнларни ҳам қамраб олади.

лон дозиметрлар ёрдамида даврий метрологик текширувдан ўтказилиши ва ўлчаш натижаларининг метрологик кузатилувчанлиги халқаро даражадаги бирламчи дозиметрия эталонларига таъминланиши лозим.


Бу борада юзага келаятган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ХАЭА ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан “Иккиламчи эталонлар дозиметрия лабораторияси” (SSDL) тармоғига асос солинди. ХАЭА ва ЖССТ минтақавий даражада ривожланаётган мамлакатларга SSDL яратишга ёрдам кўрсатиш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олди.

Шу қаторда, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда ядровий фаолият жуда тез ривожланиши, мамлакатда биринчи атом электр станциясини қуриш бўйича инновацион лойиҳа амалга ошириляётгани бунга туртки бўлди.

Кўрсатилган истиқболли режаларни сифатли амалга ошириш ҳамда хавфсиз фойдаланиш стратегик муҳим вазифа бўлгани учун “Ўзстандарт” агентлиги Ўзбекистон миллий метрология институтидаги мавжуд ионловчи нурланишларни ўлчаш лабораторияси негизиде ионловчи нурланиш ўлчаш воситаларини калибрлаш учун дозиметрия лабораториясини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш зарурияти юзага келди.

Шу сабабдан “Ўзстандарт” агентлиги ва ХАЭА техник ҳамкорлиги доирасида 2019-2020 йиллар учун UZB6015 “Ўзбекистон Республикасида иккиламчи эталонлар дозиметрия лабораториясини яратиш” (Establishing the Secondary Standards Dosimetry Laboratory) лойиҳаси тасдиқланган.

Мазкур лойиҳа доирасида 2019 йил Ўзбекистон миллий метрология институти ходимлари Беларуссия миллий метрология институти (Belarussian State Institute of Metrology (BelGIM))да малака ошириш ва илмий амалий ташрифларни амалга оширишди. Шунингдек, мутахассисларимиз Қозоғистон Республикасининг “Экспертиза ва сертификатлаштириш миллий



“Метрик конвенция” имзоланган. Шу кундан бошлаб ушбу сана “Бутунжаҳон метрология куни” сифатида нишонланади. Айнан шу кунда “Халқаро ўлчамлар ва тарозилар бюроси” ташкил этилган. Бюро ҳар йили бир мавзу — бир шиор белгилаб иш юритади. Ўтган йили “Халқаро ўлчамлар тизими бирлиги — фундаментал яхшироқдир” мавзусида Бюро томонидан “Метрик конвенция”га аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттирди. Ўлчашлар илми, янада кенгайётган метрология фандаги ютуқ ва янгилликлар, ишлаб чиқариш, халқаро савдо муносабатлари, табиатни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаровонлигини оширишда асосий ролни ўйнайди.

2020 йилга “Бутунжаҳон




Ўлчашлар ўта муҳимлигини инобатга олган ҳолда дозиметрик ўлчаларнинг аниқлигини сезиларли даражада оширишга ёрдам бериб келмоқда.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг турли соҳаларида, жумладан, энергетика, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ҳамда маҳсулотларнинг хавфсизлик кўрсаткичларини текширишда радиация ва ядровий технологиялардан унумли фойдаланиш кенг жорий этилмоқда. Шу сабаб, юқори аниқликдаги радиациян химоя ускуналарининг ўлчаш натижалари ишончлилиги кўрсатилган соҳаларда фаолият юритувчи мутахассисларга хавфсизлик ва сифат гарови бўлиб хизмат қилади.

Бундай ускуналар ионловчи нурланиш манбалари ва эта-

Радияция ва ядро хавфсизлиги соҳасида ишончли, аниқ ўлчаларни муҳимлигини инобатга олиб, Халқаро атом энергияси агентлиги (ХАЭА) шу соҳа бўйича дастурни амалга ошира бошлаган. Ушбу дастур доирасида инфратузилмани яратиб келмоқда. Дастурнинг асосий вазифаси давлатларга ионловчи нурланишни ўлчаш ва дозиметрларни калибрлашнинг халқаро умум эътироф этилган усул ва тартиб-таомилларидан фойдаланиш юзасидан тавсиялар беради. Шунингдек, ушбу дастур 24 йил мобайнида бутун дунёда радиотерапевтлар ва ионловчи нурланиш билан ишлайдиган бошқа мутахассислар орасида юқори аниқликдаги



Гамма нурланишли юқори аниқликдаги қурилма

“Ўзстандарт” агентлиги ва ХАЭА техник ҳамкорлиги доирасида 2019-2020 йиллар учун UZB6015 “Ўзбекистон Республикасида иккиламчи эталонлар дозиметрия лабораториясини яратиш” (Establishing the Secondary Standards Dosimetry Laboratory) лойиҳаси тасдиқланган.



Рентген нурланишли юқори аниқликдаги қурилма

савдолари учун ўлчалар” шиори танланди. Мавзу йирик савдоларни амалга оширишни таъминлаш давомида маҳсулотларнинг стандартлар ва қоидаларга мослиги, шунингдек, истеъмолчиларни маҳсулот сифатида бўлган талабини қониқтириш мақсадида белгиланди. Ҳар йили Бюро билан ҳамкорликни йўлга қўйган метрология корхоналари томонидан “Бутунжаҳон метрология куни” муносабати билан қўшимча тадбирлар уюштирилади. Бу анъана Ўзбекистон миллий метрология институти ҳам четлаб ўтмайди. Аниқроғи, институт жамоаси ташаббуси билан ҳар йили шу санада соҳага доир тадбирлар уюштирилади. Хусусан, 2020 йил 20 май куни “Бутунжаҳон савдолари учун ўлчалар” шиори остида видеоконференция тарзида илмий-амалий анжуман ўтказилиши режалаштирилган.

Азамат Тўраев,
Ўзбекистон миллий метрология институти матбуот хизмати раҳбари



Тошкент шаҳрида Британия менежмент университети ташкил этилади.

Ўйда қолсанг, вирусни ўлдирсан, кўчага чиқсанг...

ЕР ЮЗИДАГИ ЖАМИКИ ДАВЛАТЛАР БОРКИ — ҲАММАСИ КАРАНТИН ШАРОИТИДА. БУТУН ИНСОНИЯТ УЙДА. ТАСАВВУР ҚИЛЯПСИЗМИ? КИМ ЭСЛАЙ ОЛАДИ ШУНДАЙ ДАВРНИ БОШДАН КЕЧИРГАНИНИ? (ТЎҒРИ ТАРИХ ГУВОҲ: ВАБО, САРС ВИРУСИ, ИСПАН ГРИППИ ВА БОШҚА ЭПИДЕМИЯЛАРГА, ЖАҲОН УРУШЛАРИГА, ЛЕКИН ГЛОБАЛ ДУНЁ УЙДА ЎТИРМАГАН ЭДИ). ХУДДИ ТАШҚИ ОЛАМДАН УЗИЛИБ ҚОЛГАНДЕК ГЎЁ. САЙЁРАМИЗГА ТОҶДОР ВИРУС ТАРҚАЛДИ ВА ҲАМОН ЎЗ ЧАНГАЛИДА ТУТИБ ТУРИБДИ. БУНДАН ҚАЧОН ХАЛОС БЎЛАМИЗ, ЎЗИ ҚУТУЛА ОЛАМИЗМИ, ЙЎҚМИ?

Сахарда - изғиринда юз берадиган ва олдинда сизни нима кутиб турганини билмайдиган туман каби номаълум бу пандемияъни ҳар ким ўз қарашига тушунади. Кимдир атайлаб қилинди дейди, бошқаси бу жазо бўлди инсониятга дейди. Тахминлар турлича: давлатлар айбни бир-бирига тўнкаб кўрди, вазият жаҳон ҳамжамияти тизгинидан чиқди, ҳаттоки баъзи мамлакатлар ишончидан чиқиб қолди. Ривожланган давлатларнинг ҳам шўрига шўрва тўкилди, уларнинг тиббиётда етишмовчилиги кўзга яққол ташланди, ҳисобга киришга улгурмай уйда вирусдан жон берганлар қалашиб кетди, зўравонликлар кучайди, иқтисодда оқсаш рўй берди.

Ҳар дамда ожизлигини ҳис қилиш нуқсонми?

Пандемия карантинда энг кўпи оддий халқ кунлик даромадсиз қолган, ишсиз қолганлар қийналади, жамғармаси тугаганлар ва қарз олиб рўзгор қилаётганлар қийналади. Аммо начора, соғлиқ керакми? Керак. Вирусданам бурун очликдан ўлаётганлар қанча, уйда (бир кунлик бўлса ҳам) овқатини еб ўтирганлар эсга олмасизми ҳеч, уларнинг аҳволи не кечаётганикин?! Оғзининг бир чеккасидан чиқиб “ўзи айбдор шу аҳволга тушишига” дейдиганлар топилди. Тўғри, қашша оқлиги га ўзи айбдор (дир), лекин улар буни англайди деб ўйлайсизми? Боласи безгакдан (ёки турли ўлимга юз тутувчи касалликлар дунёда бисёр) жон бераётганда аламини ичига ютади,



қўли калталигини ҳис қилиб туради. Сизнинг бошингиз катта, улар шу ҳолатга қандай келиб қолганини яхши биласиз, улар сизни тушунмаганда сиз уларни тушуниб қўя қолинг. Қўлига сув тутмасангиз ҳам булоқ чиқаётган жойни кўрсатинг, ўзи ичсин, бефойда гапиргандан кўра қўлига китоб тутинг. Ана, шу жойида оч одам китоб ўқийдими дейсиз? Йўқ, ўқимади. Қачонки сув ичишни ўрганса, ўқийди. Саводи йўқ бўлсачи? Унга нима тутасиз ўйлаб кўринг!

Вирусни енгдик, кўчага чиқа бошладик, бежо боқишлар анчагача бизни таъқиб этади

Вақти-соати билан бу кунлар орта қолади. Лекин бунинг манбаасидагилар учун кўп нарса аён бўлади. Тажрибада “кўппала” куёнчаларни синаб олишди. Албатта, вазиятдан унумли фойдаланиш олгир кишиларнинг энг ёқимли амали. Ким фойда кетидан қувиб қолади, чўнтақлари



қаппаяди, қорни катталашади. Пандемия даврида синаб

кўрилган ҳар қандай технология эртага назоратнинг чўққиси бўлмаслигига ким кафолат беради? Биз хурсанд бўламиз “О ана дилбизор-у, кир ювадигон машина” дея. Янги нарсалар кашф этилишидан кўзимиз кувнаб кетади, дарров кўл телефониимизга иловаларни жойлаймиз, кейин уни ишга тушириб “Challenge” қилишни бошлаймиз. Аслида унинг ортида қандай манфаатлар туташган?! Ҳеч ўзингизни назоратдалигингизни (бу уйдаги ота-онанинг назорати эмас, қанийди шундай бўлса) сезиб турасизми? Босимничи? Ўзингизга ёқмайдиган ишни қила олмасизми? Бугун-эрта ўша вирус ўчоғи ҳам сўнади. Кўчага чиқамиз, одамлар бир-бирига ўқрайиб қарайдиган бўлади, айниқса, тегиб кетса. Пандемия фаросатли инсонга нимани ўргатиб кетади? Тоza юришини, ўзини асрашни, яқинларига меҳрибон бўлишни, умрини сарҳисоб қилишни, тезроқ уйга боришни ва уйдаги ширин таомларни (ўзим уйда ўтириб ҳамма пазанда “бўп кеттиёв”). Пандемия “бепаросат” одамга нимани ўргатиб кетади? “40 йил уруш бўлса ҳам ажали етган ўлади” деган гапни михлаб кетади, чунки у тирик қолди-да, ажали етмаган экан унинг айтиши бўйича. “Худога шукур, чиқволдим кўчага” дейди, унинг шукри тирик қолганига эмас, аксинча виждонини, инсофини ўғирлаган ўша ўзи ошиққан кўчага бўлади.

“Ислоҳ қиламиз” сўзлари бу сафар қандай янгараркин?

Дунёда гегемон бўлган давлатларда ҳам рақамли иқтисодиёт ўзини оқладими? Хусусан, таълимда бу жараён чўлоқ бўлиб қолди-ку. Ҳеч бир давлатда масофавий таълимни аъло даражада ўтганини эшит-

мадим ё сиз эшитдингизми? Аранг ривожланаётган ёки қоқоқ давлатларда бу борада қандай ислохотлар бўлаётганикин?

Вируснинг иззати битгач ҳар соҳада янгилашиш, “реконструкция”, “капремонт”, қарорлар, лойиҳалар, режа-мақсадлар ишга тушади. Эртаси “perfect” бўлишни истаган мамлакатлар назарияда эмас амалиётда иш кўради. Бирдамликка ургу беради, яқдилликка чақиради. Шифтдан чакки ўтаётганда қайси томонини ямашни мўлжаллаб қўясиз, тўғрими? Ҳозир ҳам худди шундай “изоляция” тугаса оғриқли нуқталар муҳокама қилинади, “инвестициялар” киради хоҳ моддий, хоҳ ғоявий. Бу синовли кунлар ким дўстлигини, ким бетарафли-

гини кўрсатади. Одамийлик ҳам яшапти, чунки ёрдамга чўзилган қўллар бор. Умид қилишдан ҳеч ким чарчамапти, дуо ва ибодат қилишдан тўхтамаяпти. Бу ҳаммаси ўзимиз учун, хатолардан тўғри хулоса ясаш учун, айни йўлни тақдорлашмаслик учун. Ислоҳ қилишни ўзимиздан бошлашимиз керак, кимдир бошлаб бериши шарт эмас. Миямизни кераксиз “кеш”лардан тозалашимиз керак. Атрофимизга қандай янгилик бераётганимизни ўйлаб кўришимиз, мулоҳазани ёқишимиз, кимга қандай таъсир ўтказётганимизни билишимиз керак. Ақлимизни титкилаганда ундан маънили жавоҳирларни топайлик. Эҳтиёткорликни йўқотманг!

Ўзи бугун қўлингизни ювдингизми?

Нодира СУЛАЙМОНОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

Буни ҳаёт дейдилар

“Сизга ҳавас қиламан, дадажон!”

Шавкат ҳеч қаерда ишламайди. Фақат хотинининг маошига кун кўради. Уйда тайинли егулик йўқ. Аммо ақлни заҳарловчи “Арок” ҳамма бисёр. Агар тугаб қолгудек бўлса, томошани кўраверин!



Бир кун шукроналик дафтари очиб, энди ёзаётган маҳали Шавкат уйга кирди-да: “Эй сен! Ухламадан нима ёзгансан? Яна мени ёмонлаб бир нималар ёзиб ўтирибсанми эси паст?”. Ҳалима эса: “Дадаси шукроналик дафтари ёзганман. Келинг сизга ўқиб бераман!”. Бу гаплар унга ёқмади. “Нималар деясан аҳмоқ, онги паст!” уни камситиб, ҳалиги дафтари ни йиртиб, қўлидаги рўчкани синдириб, юзига отиб юборди. Ҳалима яна тилини ютиб юборди...

...Иккита жажжи азаматчалар отасининг қўйиб қўйгандек ўзи. Отанинг “Олманнинг тағига олма тушиши”дан хабари бормикан..? Ҳалима ишдан қайтгач, доимгидек Шавкат жанжал бошлайди. Болалар ҳайрон: “Даданининг ароғи ҳали тугамаганди-ку”. Эрининг ҳар кунги гапи: “Уйга кеч келасан. Кийимларимга қарамасан. Сени дастингдан уйда қўй-қўзилар оч ётибди. Қарасанг бўлмайдимми?”. Хуллас, бу сени вазифанг, бу ҳам сеники қабилидаги топшириқларнинг адоғи йўқ эди. Шавкатнинг вазибалари нима эди?.. Унинг тилида гуллаётган заҳарханда сўзлари хато бўлса ҳам, ҳеч кимнинг инкор қилишга ҳақи йўқ. Чунки, Шавкат фақат “тўғри” гапирди-да.

Ҳалима маҳалла аёлларига ўхшаб, кўчада бировларга дардини дoston қилиб ўтирганини ҳеч ким кўрмаган. Ҳатто, дам олиш кунни ҳам. Унинг бир одати бор эди. Дилидаги бор гапларини вароққа инкишоф қилиш. Шукроналик дафтари, шукроналик сўзлари билан бойитарди. Йўқ нарсани бор қилгиси ва мўъжизаларга ишонгиси келарди.

Ҳалиманинг кўнгли совиб борар, фақат ҳеч кимга билдирмасди. Умуман, ҳаётда ўзини ўрни йўқдек ҳис қиларди.

Кеч тушди. Шавкат дастурхон атрофида ўтирган тўнғичи беш ёшли Баҳромга ҳеч сўрамаган саволи билан мурожаат қилди. “Полвон катта бўлсангиз ким бўласиз?.. Ўғли ҳам ҳеч иккиланмасдан: “Дадажон мен катта бўлсам, албатта, сизга ўхшайман-да”. “Оқ ароқ” кўшандаси лавозимда ишлайман. Мазза қилиб уйда ўтираман. Керак бўлса, хотиним мени боқадим. Бўлмаса, ҳайдаб юбораман. Сизга ҳавас қиламан, дадажон!”.

Гулҳаё ҲУСАНОВА



АҚШда коронавируси аниқлаш учун 10 миллиондан ортиқ тест ўтказилди.

Халқини қўллаганни Ҳақ ҳам қўллайди

Саховатпеша, муруватли халқимиз бор. Кўмакка, ёрдамга муҳтож кишини кўрса, елкасини тутиб бўлса ҳам яхшилик қилишга чоғланадиган одамлар беҳисоб. Савоб олишни канда қилмайдиган, кимгадир ёрдами тегса боши осмонга етиб, ўз ишидан қувонадиган мард, танти, қўли очик юртдошларимиз борки, шу туфайли меҳр-оқибат каби туйғулар завол билмай яшаб келмоқда.



бўлиб қолишни ҳеч ким истамайди, бироқ қўли калта, ҳаминқадар кун кечираётган оилалар, айниқса, юқорида тилга олинган Улуғмурод сингари болажонлар ҳоли нима бўли экан, деган ҳаёлларга борганда, эзгуликни шиор қилган тadbirkorларнинг, саховатпеша одамларнинг кўп эканлигидан қалбимг фахру ифтихорга тўлади, албатта.

Гап шундаки, ҳозирги оғир пайтда аҳолимизнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «САХОВАТ ВА КЎМАК» умумхалқ ҳаракатининг йўлга қўйилиши айни муддао бўлди. Ушбу ташаббусни халқимиз, жамоатчилигимиз кўтаринки руҳда, қизгин қутиб олгани бежиз эмас. Зеро, нафақат тadbirkor ушбулармонларни, шу билан бирга қўлида асосли сармоясини йўқ, аммо қалбида эзгулик ҳисси жўш урган оддий одамларни ҳам тўқинлантириб юборди мазкур ташаббус. Озгина имкони борлар кўшниси, маҳалладоши, қолаверса, ўзи умуман билмаган-танимаган юртдоши учун енг шимариб, яхшилик отига минаётганларнинг сафи кун сайин кенгайиб бораётганини кўриш, эшитиш қанчалар ёқимли.

Эзгу ташаббус қанот ёйиши биланоқ жиззахлик тadbirkor Бекзод Маматқулов фейсбукдаги саҳифасида 300 нафар кам таъминланган оиллага ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олишини билдирди. Унинг бу ёзганларини қўллаб-қувватлаганлар, барака топинг, деганларни кузатиб англадикки, улар орасидан ҳам савоб олмаққа аҳд қилганлар кўп экан. Зотан, муқаддас каломлардан маълумки, яхшилик қилишга интилаётганларга хайрихоҳ бўлиш ҳам улуг фазилат саналади.

Синфдошим Баҳриддин Ҳасанов кўнгироқ қилиб, ҳол-аҳволимни сўраганида, бир хурсанд бўлсам, унинг қилаётган ишларини эшитиб, янада қувондим, гурурандим. Уни яқиндан билганларнинг айтишича, ён-атрофдаги тўртта қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатадиган «Супер маркет» идаги озиқ-овқат маҳсулотлари нархи карантин бошланиши биланоқ «тушиб кетибди». Ҳолбуки, биз оммавий ахборот воситалари, ижтимо-

ий тармоқлар орқали айрим бозорларда, бошқа савдо дўконларида нархни сунъий оширишга ҳаракат қилаётганлар ҳақида эшитган, ўқиган эдик. Баҳриддин эса вазият тақозоси ўлароқ, ишни нархларни арзонлаштиришдан бошлабди. Масалан, бир кило шакар нархини 4 минг, макаронни 2 мингга, картошкани

2 ярим, сабини минг сўмга сотишга қарор қилибди. Зарар кўрасан, эртага ўзингга қийин бўлади, дейдиган ақлимизларга эса: «Ишга боролмаётган, рўзгор тебратишга қийналиб турганларга ёрдам берсак, шунинг ўзи энг катта фойда» деб жавоб берибди. Телефонда гаплашайтиб шу гаплар ростми, деб сўрасам, мавзунини ўзгартирди. Ҳа, у болагидан шунақа: интилувчан, омадли. Биз — бошқа синфдошлар ўқиб, олим бўламиз, деб ҳовлиқиб юрганимизда, у индамайгина тadbirkorликка шўнгиди. Аммо ишлари ўнгидан келиб, бойиб кетган бўлса ҳам, ақалли бирор даврада бирор марта мақтанганини эшитмаганмиз.

Мана шундай яхши гаплар қаторида эса яна бир юртдошимизнинг дил сўзларига воқиф бўлиб, кўнглимиз эриб, кўзларимизга ёш келди. Ургут тумани ҳоқими Маматжон Турдиев фейсбукдаги саҳифасида шундай ёзди:

«Ургут туманининг Катта Торинжак маҳалласида яшовчи Шаҳзод Бобоев Самарқанд шаҳридаги устахонада оддий пайвандчи бўлиб ишлайди. Айни кунларда карантин муносабати билан уйда ўтирибди. Жорий йилнинг 21 апрель кунини эрталаб ҳоқимлигимиз ходимларига учрашиб, ўзини таништирди. Озгина ойлигимдан йиғиб қўйган маблағим бор, шу пулимга озиқ-овқат маҳсулотлари олиб 2 нафар шароити оғир, қийналган оиллага ёрдам берсам дейди. Шунда туман ҳоқимлиги масъулларидан бири фуқарога шундай савол билан мурожаат қилди: «Шаҳзоджон,

сиз ҳам ойликка қараб қолган одам-сиз. Оладиган ойлигинингизни ўз рўзгорингизга ишлатсангиз бўлмайдими?» У шундай жавоб берди: «Шукр, ҳозирча рўзгоримга етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари бор. Лекин шундай кунларда менинг виждоним қийналмоқда, икки қўлим, икки оёғим соғлом. Насиб қилса, яна ишлаб рўзгоримни тебратавераман!»

Рад этишларимизга қарамай, Шаҳзод 2 та оилавий шароити оғир фуқаронини манзилни бeringлар, ёрдам қилай деди. Шунда туманнинг Ўроқбойжар ва Халқобод қишлоғида яшовчи 2 нафар фуқаролар манзилни бердик. Олдийгина илчи шу тарзда саховатини кўрсатди. Биз, Ургут тумани ҳоқимлиги ушбу фуқароимизга ўз миннатдорчилигимизни билдиримиз. Аллоҳ қўлласин. Бирита минг бериши учун дуолар қиламиз. Бизни бу ҳолат таъсирлантирди. Сафимизда мана шундай сахий инсонлар кўпайсин. Инсонларнинг бир-бирига меҳри ошсин!»

Туман ҳоқими бу постини «Изоҳ сизлардан» деган жумла билан яқунлаган. Билдирилган ўнлаб, юзлаб изоҳларга кўшимча қилиб яна шуни айтмазмики, дарди дунёси тўлиб турган бўлса ҳам, оғир вазиятда кўшниси келса, табассум билан қарши оладиган, етти ётларнинг ҳам оғирини енгил қилишни ният қилган бундай юртдошларимиз бор экан, оқибат ўлмайди, меҳр барҳаётдир.

Инсонларнинг дарду ташвиши билан яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир, дея олийжаноб халқимиз-



нинг қалбидан мустақкам жой олган, шу жонажон Ватан равнақи, ёшу қарининг розилиги учун кечаю кундуз меҳнат қилаётган Президентимизнинг чақириқларига «Лаббай» деб жавоб бериш ҳар биримизнинг бурчимиз. Зеро, муборак Рамазон ойида барча-барчамизни хайрли ташаббусларга, савоб келтирилган Саховат ва Кўмакка даъват этиб, пировардида халқини қўллаётганларни Ҳақ ҳам қўллаши муқаррар.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ

ЭЪЛОС	«BIG AGRO BAKHMAL», «BIG AGRO ARNASAY», «BIG AGRO YANGIOBOD», «BIG AGRO G'ALLAOROL» масъулияти чекланган жамиятлари «BIG AGRO GARDENS» масъулияти чекланган жамияти таркибига бириктирилиши муносабати билан уларнинг фаолияти тугатилади.
ЭЪЛОС	Шайхонтоҳур тумани Қоратош мавзеси (Ходжаева кучаси) 11-уй 52-хонадона тегишли уй ҳужжатлари (каластр) йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЖАМИЯТ

Муассислар:
Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.
Ўзбекистон Нодавлат нотариот ташкилотлари миллий ассоциацияси.
Ўзбекистон Муставил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари

қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.
Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
Ўзбекистон экологик ҳаракати.
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнапи.

Бosh муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Тахрир хайъати:
Рустам Комилов
Борий Алихонов
Акмал Саидов
Раҳмат Маматов
Нуриддин Убайдуллаев
(Bosh муҳаррир уринбосари)
Ақтам Хайитов
Адхам Икромов

Газета тахриратнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-514 Адади: 1405.
Жума кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.
ISSN 2010-7722

Навбатчи: Гулҳаё Хусанова

Дизайнер: Бегайи Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта: jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
«ЖАМИЯТ» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Ўза яқини:
Топширилган вақти: 15.25
1 2 3 4 5 6



«Ўзсаноатқурилишбанк» ОПЕК Халқаро ривожланиш фонди билан 20 миллион АҚШ долларига тенг кредит битимини имзолади.

Ҳаётда дуч келганларим айрим воқеа-ҳодисалар балки кимларгадир арзимган нарсалардек туюлар-у, аммо ўзим ҳар сафар эсимга тушганда чўчиб кетаман, даҳшатга тушаман!

Ёз кунларида жўмрагидан озгина сув тушадиган водопровод остига шу ишхонага қўшни хонадонларда яшовчи аёллардан бири челагини кўйиб кетган. Иши шошилинч бўлгандир, тўлишини кутишга сабри чидамай, кейин келиб олиб кетишга қарор қилган.

Катта ёшли, анча ўқимишли ҳисобланадиган киши, кўпинча ахлоқ-одоб масалаларида узундан-узоқ сўзловчи киши ҳо-ҳажатхонага кириб чиқди. Чиқди-ю, ўша водопроводнинг кичкина оқими-га қўлини ювганича бепарволик билан юқорига, иш кабинетига қараб йўл олди.

Мен ҳайрон бўлганча қотиб қолдим! Кимдир ичиш учун тўлдираётган чела-нинг устига оқизиб бу кимса ҳоҳлатхона ифлослигини кетказиш учун қўл ювди!

Қўл ювиш керак, лекин бировнинг челагидами? Бу кўп учрайдиган кун-далиқ ҳолат эди. Шунақа вазиятларда мен оҳиста икки қўл кафтимнинг орти билан эҳтиёт бўлиб челаكنи ушлаб, ҳар эҳтимолга қарши нотоза сув сачрамас-лиги учун ҳеч бўлмаганда бир метр на-рироққа кўйиб, шундай сўнггина қўл-ларимни ювар, кейин эса челаكنи яна жойига кўйиб, боя тутган жойимни ҳам ҳовучимда сув олиб ювиш, шундан сўнг-гина кўнглим жойига тушарди.

Ўша ҳодисадан сўнг ўша кишидан бутунлай кўнглим қолди, таъбир жоиз бўлса, икхосин қайтди. Аммо бу ҳақда ўзига ҳеч нарса деганим йўқ, чунки ёши мендан анча катта эди.

Бошқа сафар, ундан анча вақт илгарироқ, ҳарбий хизматга кетишимизда поездда ҳоҳлатхонага кириб, қўлимни ювай десам, жўмракдан сув тушмади. “Чатоқ бўлди-ку” деб, нариги вагонга йўл олдим. Аммо бизни олиб кетаётган офицер ўтирган жойидан мени кўриб қолиб, қаёққа кетаётганимни сўради. “Ўртоқ капитан, — дедим русчалаб, — ҳоҳлатхонага кирувдим, сув йўқ экан, руҳат беринг, нариги вагонга бориб ювиб келай”. У ишора билан олдида чорлади. Чашкадаги ичиб турган чойини кўйиб, қўлимни ушлаб кўрди ва: “Кўлинг топ-тоза-ку, ювишнинг ҳожа-ти йўқ, Бориб дамингни ол” — деди.

Ҳайратга тушдим. Кейин эса аскар-лик хизматимизнинг бошиданоқ ка-рантин машқлари вақтида эса сержант бошиқчаларнинг биз янги келган “кичкинтой болача”ларни бошлаш мақ-садидаги кўплаб галати қилиқларини, жумладан, ҳоҳлатхонадан чиқибқоқ қўл-

ларни ювишга қўймасдан ошхонага овқатланишга киришга мажбур қилиш-ганини бир неча бор кўрдик.

Ўша хизматларнинг ўрталарида мав-риди келганда бир офицер билан шу-лар ҳақида фикрини сўрадим. У бунақа ҳолатлар кўп учрашини афсус билан

мини кўрсатаман: улар пишириб бўлган бўлжаларни...

Оёқдан гап кетганда эсга тушди: ҳар ҳафта бир марта ҳаммомга тушишимиз-да йигирма-ўттиз чоғли йигитларнинг оёқ остимиз қарийб бир қарич оқова сув ичида бўларди. Ювиниб бўлганимдан кейин бир идишда сув олиб, оёгимнинг тиззадан пастини яхшилаб бир неча марта совунлаб ювганимдан сўнгги-на кийинишни бошлардим. Аммо бош-қа кўларнинг ўша ифлос қўлмақдан чиқибқоқ оёгининг ҳолатига парво қил-

Ҳалол ва ҳаромни

фарқлаш — зарурат



таъкидлаб: “Нечистота туалета это — наихудшая из наихудших! (Ҳоҳлатхона ифлосликларни бу — энг ёмонроқлар-нинг энг ёмонроғи) — деди. — Афсуски, бунга кўплар унчалик эътибор бериш-майди”.

Яна бир офицер аскарларни ура-япти: “Бир-бирининг сочингилдан фойдаланма, деб неча марта айтиш ке-рак?! Битганг бетингни артган сочиққа иккинчинг кетингни артсан, калланг ишлайдими?! Одаммисан?!”

Бир ҳолат ҳақида эшитгандим, аммо рост-ёлғонлигини билмасдим. Бир се-риалда шуни кўрдим. Ўша лавҳани ком-пьютерда ёзиб олиб, баъзан бошқаларга кўйиб берардим: “Лойчи”ларни кўрсат-тайми? Бир томоша қилин!”

Ўтган аср ўттизичи йилларидаги қа-моқхона лавҳаларидан. Катта тоғорага бир киши “тупроқ”ни тўқаяпти. Бошқа икки нафар эркак эса оёғи билан “лой” ни қораяпти. Томошабиним бепарвоги-на кузатади: “Сувоқчиларми ёки улар-даям пахса бор эканми?”

Мен эҳтиёт бўлиб астагина айта-ман: “Ҳамир қоришяпти”. У эса бир-дан сесканиб тушади: “Йўғ-э! Оёғи биланми?!” “Ҳа”, — дейман ёки бунга мажолим етмаса бошим билан тасдиқ ишорасини қиламан. Сўнгра эса даво-

масдан, бир йўла артиниб, кийинавери-шдан ҳайрон бўлардим.

Ҳаммом қилгандан кейин эса одат-да алмаштириладиган чойшаблар ва ёстиқжилдлардан фойдаланишда ҳам маълум бир тартибни йўлга қўйгандим. Ҳар сафар олинган янги ювилган тоза чойшабларнинг бир чеккасига ручка билан кераклик белги кўяр ва ўрин-тў-шагимни тайёрлашда бу бош томонини билдириб турарди. Ўзим ва айрим яқин дўстларимиз шунга одатланган-миз, аммо бошқа кўплар эса... “Бу-гун-ку топ-тоза чойшабда мазза қилиб ётибди, эртага эса худди шу чойшабдан пайтава сассигини искаб ётадию, лекин бунга ўзининг фаҳми етмайди...”

Ўқувчилик вақтларимиз пахта те-римига борганимизда... Еттинчидан ўнинчи синфгача ўқувчилигимизда ўзимиз ва кўп йиллар ўқитувчилигимизда шогирдлар билан ҳар йили кузда бош-қа туманларга пахта теримига борар-дик. Хайриятки, мана кейинги йиллар-да ўқувчи-талабаларнинг ва уларнинг устозларининг пахта терими ва бошқа шу каби ишларга жалб қилинишига чек қўйилди.

Шунда ёттинчи ёки саккизинчи синфда Иштихон тумани (Ўзимизнинг Ургут туманимизда пахта экилмайди)

қишлоқларида ҳашарда юрган кунлари-миздан бирида “водокачка”дан сув ича-ётиб, устозимизга шундай дедим:

— Муаллим, қаранг, мана бу “водо-качка”нинг сувини ичаёпмиз. Оққан сув эса унинг тағига сингиб кетаяпти...

— Ер — энг яхши филтёр, — деди фи-зика ўқитувчимиз Нашад ака Губайдул-лин. — У бизга бу сувни тозалаб беради. Инсоннинг жамики бошқа ифлослан-тирган нарсаларини ҳам Ер мунтазам тарзда тозалаб бериб туради.

У шундай деди-ю, бироз ўйга чўм-ди, “водокачка”га ва унинг остига қаради:

— Лекин сенинг гапингда ҳам жон бор, — деб шаҳдам юриб кетди. Нарироққа бо-риб, шу қишлоқлик бир киши-га алланамалар деди. У эса ал-лақаёққа кетиб, кетмон кўтариб келди. Устозимиз унинг ёнида туриб, ердан сувни тортиб чиқаради-ган устунчанинг тағидан тўрт-беш метр нарироққа ариқ қавлашига бош-қош бўлди.

Бироздан сўнг устозимизнинг ёни-дан ўтаётганимда у қўллари билан аста елкамга қоқди: “Баракалла!”

Тозаю нотоза, поку нопок каби сўз-ларнинг маъносига ҳамма яхши тушу-нади-ю, аммо унга эътибор масаласига келсак... Умумий овқатланиш таомхо-насида ҳам даврадошларимиздан бири чўнтагидан рўмолча олиб, қошиқни артганидан сўнггина ишлатаётганини кўрсак, пинагимизни бузмаймиз, ўзи-миз нега шундай қилмаганимиздан ҳай-ратланмаймиз: қошиқни артганимиз билан бошқа идишлар-чи? Мен баъ-зи ҳолларда чойнакдаги чойдан кўйиб, пиёланинг олд-ортини чайганимдан сўнггина истемолга киришаман, аммо вазиятга қараб: бу доим ҳам мумкин бўлавермайди.

Ҳалолу ҳаром деган сўзлар поку но-пок каби сифатларнинг синоними, яъни маънодоши ҳисобланади, аслида эса ундай эмас. “Ҳалол” араб тилида руҳат берилган, мумкин деган маъно-ни англатади, “ҳаром” сўзи эса аксин-ча, тақиқланган, мумкин эмас дегани. Ҳам миллий, ҳам диний қадриятлари-миз фақат тозалик, покликларга чор-лаб, нотозалик, нопокликларни кескин қоралайди, улардан албатта сақланиш-ни кўзда тутлади.

Ҳалолу ҳаромнинг, яхшию ёмоннинг фарқида бориш-бормаслиги билан ин-сон деган номни оқлай олиш-олмасли-ги аини пайтада жиддий муаммо бўлиб қолди. Агар яшагинг келса, покиза бўл, ҳар қандай нопокликдан сақлан!

Ҳусниддин ФАЙЁЗОВ

Реклама

“DIELUX BUSINESS” МЧЖ



LaLaku

Ўз маҳсулотларини таклиф этади.

Мурожаат учун телефон: +99 891 611 11 11

Маҳсулотлар сертификатланган.



Қашқадарёда тарвуз экспорти бошланяпти.